

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

295 **Мехнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
24 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 272-2*

(2010 йил 3 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1251-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 562-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг мехнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва мехнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 29-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 8-сон, 61-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги томонидан 1996 йил 29 июнда тасдиқланган Мехнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 12 август,
156-Б-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.